

ХУЖЖАТЛАРНИ КРИМИНАЛИСТИК ТЕКШИРИШНИНГ: УСУЛЛАРИ ВА
ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Фармонов Жавоҳир Аслиддин ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-курс курсанти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11102735>

Аннотация. Уибу мақолада ҳужжатларни криминалистик текшириши, улар бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар, шунингдек бугунги қундаги жиноятчиликнинг содир этилиши усулларидан бири ҳужжарларни мазмунан ўзгартириши ва уларга қўшишмчалар киритиш эканлиги ҳақида сўз юритилади. Бундан ташқари жиноятчиликнинг олдини олишида ҳужжатларни техник криминалистик текширишининг ўрни, суд ва тергов амалиётидаги аҳамияти нақадар муҳим ва зарурлиги борасида мулоҳазалар юритилади.

Калит сўзлар: криминалистик текширув, ҳужжат, жиноятчилик, криминалистик техника, методология, эксперт хуносаси, тадқиқот.

FORENSIC EXAMINATION OF DOCUMENTS: METHODS AND IMPORTANCE IN
CRIME PREVENTION

Abstract. this article will talk about criminalistic verification of documents, the studies carried out on them, as well as the fact that one of the methods of committing crime today is to change documents in content and make additions to them. In addition, considerations are made on how important and necessary is the role of technical criminalistic examination of documents in the Prevention of crime, its importance in judicial and investigative practice.

Keywords: criminalistic examination, document, crime, criminalistic technique, methodology, expert opinion, research.

СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА ДОКУМЕНТОВ: МЕТОДЫ И ЗНАЧЕНИЕ В
ПРОФИЛАКТИКЕ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

Аннотация. В данной статье речь пойдет о криминалистической экспертизе документов, исследованиях по ним, а также о том, что одним из способов совершения преступлений на сегодняшний день является изменение документов по содержанию и внесение в них дополнений. Кроме того, обсуждается роль технической криминалистической экспертизы документов в предупреждении преступности, ее значение в судебной и следственной практике.

Ключевые слова: криминалистическая экспертиза, документ, преступность, криминалистическая техника, методология, экспертное заключение, исследование.

Суд ва тергов амалиётида хужжатларни криминалистик техника усулида текшириш масаласи кўп тарқалган бўлиб, хужжатлар ижтимоий соҳаларнинг барча доираларида алоҳида ўрин тутиши, хилма хиллиги ва кенг тарқалган материаллардан тайёрланганлиги билан боғлиқ. Бугунги кунга келиб суд ва тергов амалиётида хужжатларни техник жиҳатдан текшириш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Чунки жиноий, иқтисодий ва фуқаролик соҳасидаги аниқланаётган аксарият жиноятларнинг содир этилиш усуллари ҳам айнан хужжатларни қалбакилаштириш орқали амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида хужжатларни техник криминалистик тадқиқотларининг ўрни нақадар муҳим эканлигини кўрсатиб беради. Негаки хужжатларнинг бирор бир қисми ўчирилганлигини ёки унга бирорта қўшимчалар киритилганлигини ва қалбакилаштирилганлигини аниқлаш хужжатларни техник криминалистик текширишнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари криминалистика баъзи бир табиий ва техник билимларнинг айрим тармоқларини ўз вазифасига мослаб, улар асосида турли қалбакилаштирилган хужжатларни текшириш учун маҳсус услубларни ва методларни ишлаб чиқади.

Жиноий суд ва тергов соҳасида хужжатларни текшириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кўпинча қонун йўналишини ўзгартира оладиган муҳим далил бўлиб хизмат қилади. Бу қўлда ёзилган хат, машинкада ёзилган шартнома ёки рақамли файл бўладими, хужжатларнинг техник суд-криминалистик тадқиқотлари ҳақиқийлик, яхлитлик ва потенциал ёлғонлик қатламларини очиб берадиган пухта жараёндир. Суд-криминалистик хужжатлар экспертизаси, шунингдек, шубҳали хужжатлар таҳлили сифатида ҳам танилган, кўп қиррали соҳа бўлиб, у фаннинг аниқлигини санъатнинг идроки билан бирлаштиради. У хужжатларнинг физик, кимёвий ва визуал хусусиятларини синчковлик билан ўрганишга қаратилган турли хил техника ва методологияларни ўз ичига олади.

Суд ва тергов амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, жиноятларни очиш ва тергов қилишда ҳамда фуқаролик ишларини кўриб чиқиша, хужжатларнинг техник-криминалистик экспертизалари (ХТКЭ)ни ўтказишга зарурат мавжуд. Экспертиза тадқиқотлари натижасида олинган маълумотлар содир этилган қилмишнинг алоҳида шароитларини аниқлаштиришга, жиноятчини фош этишга, жабрланувчининг шахсини ва хукуқбузарлар томонидан етказилган заарнинг миқдорини аниқлашга имкон яратади. Хужжатларнинг техник-криминалистик экспертизасига оид тадқиқотларни ўтказадиган эксперт, ўз олдига қўйилган вазифаларни самарали бажариши учун, ушбу турдаги экспертиза обьектларининг криминалистик хосса ва хусусиятлари ҳамда белгилари ҳақида тасаввурга эга бўлиши, полиграфия асослари, бўёвчи моддалар ва қоғознинг ишлаб

чиқариш технологиясини билиши, мұхр (штамп)лар, ёзув қуроллари ва ҳужжатларни расмийлаштиришда ишлатиладиган бошқа воситаларнинг ишлаб чиқариш технологияси ҳакида тегишли маълумотларга эга бўлиши лозим.

Ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси ва ҳужжатлар тадқиқотларининг натижалари кўрилаётган жиноят иши бўйича исботлов ва қидиувга оид маълумотларнинг манбаларидан бири ҳисобланади. Ҳужжатларнинг реквизитлари ва материаллари, шунингдек, уларни тайёрлашда ишлатилган техник воситаларни ўрганар экан эксперт, кўрилаётган жиноят иши доирасида ҳужжатнинг қалбакилаштириш ҳолати ва усуllibарини аниқлаш билан чегараланиб қолмайди. Экспертиза хулосалари турлича маълумотлар, масалан, тахминий ижрочи ёки жиноятчининг тусмол қилинаётган касби, полиграфия, қоғоз ишлаб чиқариш соҳасидаги маҳсус билимлари даражаси ёки жиноятчиларни қидиув фаолиятини мақсадга йўналган тарзда олиб боришга имкон берувчи бошқа шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунга келиб ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг кўплаб турларини учратишимиз мұхим. Хусусан улардан энг кўп учраётгандарни бу имзоларни техник усуllibар билан қалбакилаштириш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни, хайдовчилик гувоҳномаларини, бир қанча корхона ҳужжатларини қонунга хилоф равища уларга ўзгартиришлар киритиб қўйиш, қалбакилаштириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатларига асосан қонуний тартибда тузилган ҳужжатларни ўзбошимчалик билан ўзгартириш тақиқланган бўлиб ва бу қилмишга нисбатан жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда давлат стандартларига мос келмайдиган, қалбаки пулларни ишлаб чиқариш ҳам ниҳоятда кенг тарқалган қонунбузарликлардан бири ҳисобланади. Юқорида санаб ўтилган ҳужжатларни қалбакилаштирилганлиги ёки қалбакилаштирилмаганлиги аниқлаш масаласини ҳал этиш айнан ҳужжатларни техник криминалистик тадқиқотларининг асосий ва мұхим вазифасидир. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг бир қанча усуllibari мавжуд. Хусусан қўлёзма шаклда ёзилган ҳужжатларга техник йўллар билан баъзи бир элементларни қўшиб қўйиш ёки ундаги бирор бир қисмни ўчириб ташлаш орқали амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари кимёвий воситалар билан ҳам ишлов берган ҳолда, маълум бир белгиларни ўзига ўхшатиб чизиш орқали ҳам ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилмоқда. Буларнинг барчаси ҳужжатларни қалбакилаштиришга сабаб бўлади ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун нормаларига асосан жиноий жавобгарликка тортишга олиб келади. Ҳужжатларни

криминалистик текширувининг чегараси кўпинча мутахассиснинг кўрсатувлари билан якунланади, бунда малакали мутахассислар ўз хulosаларини суд мухокамасида тақдим этадилар. Уларнинг илмий таҳлил ва методологияга асосланган гувоҳликлари мураккаб суд-криминалистик нуансларни очиб беришга хизмат қиласида ва далилларга асосланган қарорлар қабул қилишда ёрдам беради.

REFERENCES

1. Ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси: Маъruzalар курси / Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. –Тошкент 2017
2. Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги 2010 йил 1 июнь қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010
3. <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)